

Doniyor MURATOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD in History and
Source Studies of Islam, Senior teacher of the department
"The Islamic Studies and studies of Islamic Civilization
ISESCO. d.muratov@iiaau.uz. 11, A.Kadiri, Tashkent,
100011, Uzbekistan.

ХАДИС ИЛМИДА САҲОБИЙЛАРНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ СПОДВИЖНИКОВ В НАУКЕ ХАДИСОВ

THE ROLE ON THE COMPANIONS IN THE SCIENCE OF HADITH

Калит сўзлар: ҳадис, ҳадисшунослик, саҳобий, тобей, адолат, ҳадис илми, табақот, фатво, ашарай мубашишара.

Ключевые слова: хадис, хадисоведение, сахаба, табей, справедливость, наука хадисов, табакат, фетва, ашарай мубашишара.

Key words: *hadith, science of Hadith, sahaba, tabii, adalat, tabaqat, fatva, asharai mubashshara.*

Ҳадис илми тарихида саҳобийлар бошқа ровийлардан алоҳида тарзда ўрганилади. Саҳобийларнинг ҳадисларни етказишдаги фаолиятлари ўзига хос ўринга эга. Зеро, улар Пайғамбар (с.а.в.) ни ўз кўзлари билан кўрган ва бевосита ислом кўрсатмаларини қабул қилиб олган шахслар ҳисобланади. Саҳобийлар фақат ҳадис илмида эмас, балки тафсир, фикҳ, ақида ва тасаввуф каби соҳаларда ҳам алоҳида аҳамият билан ўрганилади. Чунончи ҳадислар хос саҳобийлар томонидан ёзилганини эътиборга олсак, уларнинг аксарияти ҳадисларни оғзаки тарзда ривоят қилганлар. Шу сабабдан уларнинг тарихини, илмий фаолиятини ва бошқа кирраларини ўрганиш муҳаддислар учун асосий вазифалардан бири бўлган. Шунинг учун ровийлар орасида алоҳида ўрганиладиган ва ислом таълимотига кўра Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин энг шарафли инсонлар сифатида турадиган саҳобийлар борасида Куръони карим ва ҳадислар ҳамда ақида китобларида улуғ инсонлар эканига далиллар келтирилган.

Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳадис эшитиб, уни кейинги авлодга етказган кишилар – ислом тарихида илк ровийлар ҳисобланган саҳобийлардир. «Саҳобий» сўзи араб тилида «сухбатдош», «сафдош», «тарафдор», «хамроҳ» каби маъноларни билдира-

ди. Муҳаддислар истилоҳида «саҳобий» «Расулуллохни кўриб, имон келтирган ва мусулмон ҳолида вафот этган кишилардир» [1; 116 б.] деб юритилди. Шунингдек, ҳали балоғатга етмаган бўлса-да, гапга тушуниб унга жавоб бера оладиган ёш бола ҳам саҳобий ҳисобланган. Масалан, Расулуллохни ўзларининг ўспиринлик чоғида кўрган Али ибн Абу Толибнинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайн, Маҳмуд ибн Рабиъ кабилар ҳам саҳобийлар қаторида зикр этилади. Бу муҳаддислар фикри билан айтганда энг ишончли таъриф ҳисобланади.

Шунингдек, саҳобийга қуйида келтирилган олимлар гуруҳи бошқа таърифларни ҳам берганлар:

1. Абу-л-Музаффар Самъоний: «Асҳоби ҳадис «саҳобий» исми билан Расулуллох (с.а.в.)дан бир ҳадис ёки бир сўз ривоят қилган кишини айтадилар. Ҳатто бунини кенгрок, у кишининг пайғамбарлик шарафларини эътиборга олиб, бир марта кўрган кишига ҳам саҳобийлик ҳукмини берадилар», деган [2; 9 б.].

2. Саъид ибн Мусайяб: «Расулуллох (с.а.в.) билан бир ёки икки йил бирга бўлган ва бир ёки икки ғазотда иштирок этган киши саҳобийдир», дейди [7; 387 б.]. Бироқ Жарир ибн Абдуллох Бажлий 10/631 йили мусулмон бўлган, ёш бола бўлгани учун Расулуллох (с.а.в.)нинг илмий мажлисларида ва ғазотларда иштирок этмаганлигига ишора қилиб, олимлар Саъиддан етиб келган ривоятни заиф дейдилар [6; 9 б.].

3. Имом Воқидий: «Илм аҳлининг шундай детганларини эшитганман: Расулуллох (с.а.в.)ни кўрган, балоғатга етган, мусулмон бўлган, дин ишларига ақли етадиган кунда бир соат бўлсада Пайғамбар (с.а.в.) билан суҳбат қилган ҳар бир киши бизнинг наздимизда саҳобийдир», деган [10; 495 б.]. Бу таърифга риоя қилинса, Расулуллох (с.а.в.)дан ҳадис ривоят қилган Абдуллох ибн Аббос, Ҳасан, Ҳусайн, Ибн Зубайр каби балоғатга етмаганлар саҳобийликдан чиқади.

4. Усул ал-фикҳ олимлари наздида, саҳобий деб, Расулуллох (с.а.в.)нинг олдиларида узоқ вақт ҳамсуҳбат бўлиб юрган, кўплаб мажлисларида иштирок этган кишига айтилган [7; 293 б.]. Чунки саҳобийларнинг Расулуллох (с.а.в.) билан узоқ вақт бирга бўлиши ҳадисларни, улардан кўзланган мақсадни яхши тушунишга сабаб бўлган.

Аммо Расулуллох (с.а.в.)нинг улуғ ва шараф эгаси ҳамда одамларга таъсир қилиш кучлари бўлгани нуқтаи назаридан муҳаддислар томонидан саҳобийлик учун берилган таъриф энг ишончли ҳисобланади ва бунини кўпчилик муҳаддис олимлар қўллаб-қувватлайдилар. Яъни, «мусулмон ҳолатида Расулуллох (с.а.в.)ни кўрган, шу мусулмон ҳолати-

Мақолада ҳадис илмида саҳобийларнинг ўрни, уларга муҳаддис олимлар томонидан берилган таърифлар келтирилган. Саҳобий бўлиш шартлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳадис илмида саҳобийларни таниб олиш усуллари тўғрисида ҳам сўз юритилган. Саҳобийлар фаолият олиб борган ва уларнинг саҳобийликни даъво қилиш йиллари борасида фикрлар берилган. Ҳадис илми тарихида саҳобийлар бир табақада деб ҳисоблансада, олимлар уларни усул ҳадис қоидалари асосида турли гуруҳларга бўлиб ўрганганлар.

Ҳадис ровийлари орасида фақат саҳобийлар адолатли ровий экани таъкидланади. Бу мисоллар билан таҳлил қилинган ва ақида китобларидан ҳам фойдаланилган. Саҳобийлар орасида энг кўп ҳадис айтганлари ҳам санаб ўтилган. Шу билан бирга саҳобийлардан энг кўп фатво берганлари келтирилган. Саҳобийлар сони борасида ҳам манбалардан маълумотлар келтирилиб таҳлил қилинган.

Аёл саҳобийлар ва уларнинг фаолиятлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Уларнинг ҳадисларни тарқатишдаги меҳнатлари манбалар асосида тадқиқ қилинган. Аёллар орасида энг кўп ҳадис ривоят қилганлари келтирилган. Мақола сўнгида муҳаддислар энг охири вафот этган саҳобийларни кўрсатиб берганлари таҳлил қилинган.

В статье описывается роль сахабов в науке хадисов и освещены определения, представленные учеными-мухаддисами. Были даны сведения об условиях, которые должны быть установлены для сахабов. Также речь идет о методах распознавания сахабов в хадисе. Несмотря на то, что в истории науки хадисов сахабы считаются одним разрядом, ученые обнаружили, что в процессе изучения их истории существуют разные группы.

Среди равиев хадиса подчеркивается, что только сподвижники являются доверительными передатчиками. Этот факт был проанализирован и доказан примерами. В статье перечислено число сподвижников, которые больше всего передавали хадис и которые давали больше всего фетв.

Поскольку роль женщин в рассказе хадисов велика, в статье содержится необходимая информация о женщинах-сахабах. Упоминается о женщинах, которые занимались данной наукой и передавали большое количество хадисов. Надо отметить, что вклад женщин в распространении хадисов был исследован на основе источников.

The paper highlights the companions' role in the Science of Hadith and definitions given by muhaddith scholars to them. Also it gives information about the requirements for being a companion of the Prophet. In addition, the methods of the recognition of the companions in the Science of Hadith were explained as well. Some opinions about the years which the companions claim to prove their company with the Prophet in the Science of Hadith were also given. although the companions were belonged to the same level in the history of the Science of Hadith, the scholars have divided them into the several groups during the study their history. Because it is a necessary factor for determining the authenticity of hadiths and choosing a certain companion's saying to apply in the judgement. Among the narrators of hadith only the companions' fairness is not discussed. It was analyzed through the examples and used in the books of Kalam as well. The number of the companions who narrated more hadiths were also given. As there were the companions who have given more fatwa since the period of the Prophet in the history of Islam, such kind of the prophets were given in the paper. Information about the number of the companions in the sources was analyzed. because women had an important place in the narration of hadiths, information about them was given as well. Their attempts in the study of hadiths were studied. The number of their narrations in some famous collections of hadith was analyzed.

The paper gives information about women narrators and their activity. Their works in the spread of hadiths are studied on basis of sources. The names of the women narrators who had narrated more than others are given. It is analyzed at the end of the paper that muhaddiths have given the names of the last companions.

да вафот этган киши. У Пайғамбар мажлисларида кўп ё кам иштирок этган, у кишидан ҳадис ривоят қилган ё қилмаган, Расулulloҳ (с.а.в.) билан ғазот қилган ё қилмаган, кўрган бўлсада, мажлисларида қатнашмаган, кўр бўлиб кўз билан кўрмаган бўлса ҳам саҳобийдир» [11; 387 б.], бу жумҳур, яъни салаф ва халаф олимларнинг фикри. Саҳобий Расулulloҳ (с.а.в.)дан ҳадис ривоят қилмаган бўлиши ҳам мумкин.

Расулulloҳ (с.а.в.)ни вафотларидан кейин, дафн қилинишларидан олдин кўрган Абу Зуайб Хувайлид ибн Холид Ҳузалий саҳобий ҳисобланмайдиган. Бу киши Расулulloҳ (с.а.в.)нинг тириклик вақтларида исломга кирган, аммо кўра олмаган. Зеро, Пайғамбар (с.а.в.)ни кофир ҳолатида учратган, бироқ вафотларидан кейин мусулмон бўлган киши ҳам саҳобий ҳисобланмайдиган [10; 491 б.]. Шунинг

учун учрашув тириклик вақтларида бўлиши талаб этилган. Масалан, Абдуллоҳ ибн Соид Расулulloҳ (с.а.в.)ни кўрган, гаплашган, аммо тириклик вақтларида исломга кирмаган [1; 2 б.]. Бундан ташқари Пайғамбар (с.а.в.)ни тушида кўрган киши ҳам саҳобий бўла олмайди.

Шунингдек, Расулulloҳ (с.а.в.)ни кўриб мусулмон бўлган, сўнг муртад бўлиб яна исломни қабул қилганларнинг саҳобийлиги сақланиши борасида ижмо қилинган. Бу тоифага Абдуллоҳ ибн Абу Сарҳ киради. Аммо Расулulloҳ (с.а.в.) ҳаётлик вақтларида диндан қайтиб, вафот этганларидан сўнг яна исломга кирган Ашъас ибн Қайс ва Қурра ибн Ҳубайра кабиларнинг саҳобийлик даражаси қолиши борасида ихтилоф бўлган [10; 491 б.]. Чунки Имом Абу Ҳанифа ва Имом Шофеъий муртад бўлиб, яна исломга кирган инсоннинг муртадлиги

вактида унинг амаллари ҳабата бўлгани эътиборидан, унинг саҳобийлиги қолмайди, деганлар. Бирок Пайғамбар (с.а.в.)ни кўриб, саҳобийлик даражасига эришган, сўнг муртад ҳолатида ўлган Абдуллоҳ ибн Хатал, Робиа ибн Умайя, Убайдуллоҳ ибн Жаҳш, Микёс ибн Субоба ва бошқа шу қабилаарга саҳобийликни бериб бўлмайди [14; 17 б.].

Уламолар «фаришталардан ҳам саҳобийлар бўлганми?» дегани хусусида ҳам ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Масалан, Фахриддин Розий «Асрор ат-танзил» асарида фаришталарнинг гуноҳсиз эканликлари (мукаллаф эмасликлари учун) ҳамда уларга Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг пайғамбар бўлиб юборилмаганликлари нуқтаи назаридан улардан саҳобийси йўқ, деб таъкидлайди [6; 12 б.]. Ўрни келганда айтиш керакки, саҳобийлардан баъзилари фаришталарни кўриш шарафига муяссар бўлганлар. Бунга мисол қилиб Имом Муслим ривоят қилган «Жаброил ҳадиси» [12; 5-6 б.] номини олган ривоятни келтириш мумкин. Унда Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобийлар билан масжидда ўтирганда бир киши кириб, Пайғамбар (с.а.в.)га бир неча саволлар билан мурожаат қилгани ва у кетгандан кейин саҳобийлар унинг фаришта Жаброил эканини билганлари баёни келтирилган.

Жинлардан саҳобийлар бўлгани ҳақида олим Субкий қуйидаги фикрни билдирган: «Пайғамбар (с.а.в.) инс ва жинларга Пайғамбар қилиб юборилган бўлиб, ул зотнинг пайғамбарлик рисолати барча учун эди» [6; 13 б.]. Шунинг учун Пайғамбар (с.а.в.)ни учратган мусулмон бўлган жинлардан саҳобийлари бўлган. Чунки жинларнинг орасида имон келтирмай ва кофир бўлганлари бор. Бунга Қуръони карим ва ҳадисларда далиллар бор. Масалан, Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бошқа пайғамбарлардан олти нарсаси билан фазилатли қилиндим. ...Халқнинг барчасига юборилдим», деганликларини келтириш мумкин. Бу ҳадисдаги «барча халқлар» ибораси орқали одам ва жинлар назарда тутилган. Бундан ташқари Қуръони каримдаги «Жин» сураси орқали ҳам уларнинг Пайғамбар (с.а.в.) олиб келган динга муносабатини билиб олиш мумкин.

Кишининг саҳобий эканини қандай билиш хусусида ҳам кўплаб изланишлар олиб борилган. Натижада, бирор кишини «саҳобий» деб аташ учун қуйидаги тартиблар ишлаб чиқилган [14; 26 б.]:

1. Унинг саҳобийлиги мутавотир, яъни жуда кўп кишилар томонидан эътироф этилган бўлса. Масалан, «ашараи мубашшара», яъни: тўрт халифа, Саъд ибн Зайд, Талха ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдурахмон ибн Авф ва Абу Убайда Омир ибн Жарроҳ каби саҳобийлар, шунингдек, аёллардан Хадича ва Оиша.

2. Кишининг саҳобийлиги мутавотир даражасидек бўлмаса-да, машҳур бўлса. Масалан, Зимом ибн Саълаба, Уккоша ибн Муҳассан, Салама ибн Аква, Солим ибн Қайс, Муовия ибн Ҳакам Суламий, Хирбок ибн Амр, Зубоата бинт Зубайр ва Бариралар каби.

3. Машҳур саҳобийнинг бошқа бир кишининг саҳобий эканини таъкидлаши. Абу Мусо Ашъарий халифа Умар (р.а.) даврида Исфохон шаҳрида вафот этган Ҳамама ибн Абу Ҳамама Давсийнинг Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳадис эшитганига гувоҳи бўлгани бунга мисол бўлади. Бу ҳақда Абу Нуайм «Тарихи Исфохон» асарида зикр қилиб ўтган. Шунингдек, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Баро ибн Озиб (р.а.): «Пайғамбар (с.а.в.) Уҳуд куни камончи мерганларга Абдуллоҳ ибн Жубайрнинг бошлиқ қилиб қўйди», деганидан Абдуллоҳ ибн Жубайрни саҳобий эканини билиб олиш мумкин.

4. Бир кишининг саҳобийлиги ҳақида ишончли ва катта тобейларнинг хабар бериши. Бунинг шарти шуки, етиб келган хабар ишончли бўлиши ва тобейнинг ўзи илм-маърифати билан танилган бўлиши керак.

5. Адолатли ва ишончли киши муайян муддат ичида Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрган ёки у кишидан ҳадис эшитганини даъво қилган бўлса, унинг саҳобийлиги ҳам қабул қилинади.

Уламолар Пайғамбар (алайҳис-салом) вафотларидан юз йил ўтгандан кейин яшаган кишиларнинг саҳобийлик даъволарини қабул қилмаганлар. Чунки Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқа кўплаб муҳаддислар ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ: «Бугун бирор-бир тирик инсон йўқки, юз йил ўтгандан сўнг ҳаёт бўлса», деганлар. Шунга биноан 110/728 йилгача уламолар томонидан саҳобийларнинг яшашлари мумкин бўлган давр сифатида эътиборга олинади. Олимлар бу йилдан сўнг яшаган Жубайр ибн Ҳорис, Роби ибн Маҳмуд, Ратан Ҳиндий, Сарботак Ҳиндий, Жаъфар ибн Нустур Румий, Юср ибн Абдуллоҳларни «ёлғончи» деб билиб, саҳобийлик даъволарини рад этганлар [14; 78 б.].

Саҳобийларнинг тарихини билиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, тўрт халифанинг вафот этган йилларини билиш муҳим ҳисобланади. Масалан, Абу Бакр (р.а.) 13/635 йили 63 ёшларида вафот этганлар. Умар (р.а.) 23/644 йили 63 ёшида, Усмон (р.а.) 35/656 йили 82 ёшида, Али (р.а.) 40/661 йили 63 ёшида ўлдирилганлар. Шу билан бирга икки саҳобий 120 йил яшаб, 60 йили жоҳилият даврида ва қолган қисми эса исломда ўтган. Улар Ҳаким ибн Ҳизом ва Ҳассон ибн Собитлардир.

Саҳобийларнинг мартабаси борасида аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига биноан саҳобийларнинг энг улуғи Абу Бакр Сиддиқдир, бу зотдан кейинги

ўринларда Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва Али ибн Абу Толиб (р.а.) ҳисобланади. Баъзилар Али (р.а.)ни Усмон (р.а.)дан олдинги ўринга қўядилар. Имом Доракутний бу борада куйидагича фикр билдирган: «Ким Усмондан олдин Алини қўйса, у мухожир ва ансорларнинг устидан мазах қилган бўлади». Мазкур кетма-кетлик ақида китобларида ҳам ўрин олган [3; 13 б.].

Хулафои рошидунлардан сўнг «ашараи мубашшара»га (жаннат билан башорат берилган ўн киши) қирувчи яна олти саҳобий – Абдурахмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Вакқос, Зубайр ибн Аввом, Талха ибн Убайдуллоҳ, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Саъд ибн Зайд, кейин Бадр жанги қатнашчилари, сўнг Ухуд жанги қатнашчилари, сўнг Ҳудайбия байъати иштирокчиларининг мартабалари юқорилиги манбаларда келтириб ўтилган.

Аёл саҳобийлардан эса биринчи ўринда Ҳадича бинт Хувайлид, Оиша бинт Абу Бакр (р.а.) ҳисобланади. Чунончи, Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Али (р.а.) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг: «Марям бинт Имрон (ўз замонасидаги) аёлларнинг энг яхшиси, Ҳадича бинт Хувайлид эса (ўз замонасидаги) аёлларнинг энг яхшиси» [10; 499 б.], деганларини эшитганман, деган. Шунингдек, бошқа ҳадисларда ҳам Ҳадичанинг энг яхши саҳобий аёл экани ҳақидаги маълумотлар келган. Лекин аёл саҳобийлар ичида энг илмлиси Оиша (р.а.) экани манбаларда эътироф этилган. Айни дамда, энг кўп ҳадис ривоят қилган аёл ҳам айнан Оиша (р.а.) ҳисобланади.

Барча саҳобийлар Куръони карим ва Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг эътирофларига қўра, «одил» («адолатли», «ростгўй») кишилар ҳисобланади. Бу борада ҳеч ким хусусан, муҳаддислар, фақиҳлар ва усулул фикҳ олимлари ва бошқалар ихтилофга боришмаган [17; 48 б.], [10; 499 б.]. Шунинг учун уларнинг адолати ҳақида баҳс юритилмайди.

Куръони каримнинг «Фатҳ», «Ҳашр», «Анфол», «Тавба» каби сураларда саҳобийларнинг даражалари борасида оятлар келган. Масалан, «(Эй Муҳаммад!) Дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан – улар дарахт остида Сизга байъат (қасамёд) қилаётган вақтларида – рози бўлди. Бас, У уларнинг дилларидаги нарсани (садоқат)ни билиб, уларга хотиржамлик туширди ва уларни (Хайбар жангидаги) яқин ғалаба билан мукофотлади» (Фатҳ, 18).

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларида ҳам саҳобийларнинг мавқеи ҳақида кўплаб мисоллар келган. Масалан, Имом Муслим ва бошқа муҳаддислар Абу Саъид (р.а.)дан келтирган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Менинг саҳобийларимни сўкмангиз, нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлардан бирортангиз Ухуд тоғичалик олтин инфоқ қил-

сангиз, ярим муд (406 грамм) олтин садақа қилган (саҳобий)нинг савобини топа олмайсиз», деганлар. Имом Бухорий Абдуллоҳ (р.а.)дан келтирган ривоятда эса, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Одамларнинг (умматимнинг) энг яхшиси менга замондош бўлгани, сўнг улардан кейингилари», деганлар. Бошқа ривоятда «Менинг энг яхши умматим менга замондош умматимдир», деганлар. Мазкур ҳадисларнинг барчаси айнан саҳобийларга қарата айтилган.

Шунингдек, Расулуллоҳ (с.а.в.) томонидан баъзи саҳобийларга хос ҳадислар ҳам бор. Муҳаддислар ўзларининг ҳадис тўпламларида Расулуллоҳ (с.а.в.) томонларидан муайян саҳобий учун айтилган ҳадисларни «Саҳобийлар маноқиби» боби остида келтирганлар.

Олимлар ҳам саҳобийлар даражаси борасида ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Масалан, Имом Нававий: «Саҳобийларнинг барчалари одилдирлар», деган. Имом Ҳарамайн: «Уларнинг (яъни саҳобийларнинг) адолати ҳақида баҳс қилмаслик сабаби, улар шариатни ўзларида олиб юрганликларидир», деган. Имом Абу Зуръа Розий: «Агар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобийларидан айб қидираётган кишини кўрсанг, билки, у зиндикдир», деган.

Имом Абу Ҳанифа «ал-Фикҳ ал-акбар» асарида куйидагиларни айтган: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг барча саҳобийларини яхшилик билан эслаймиз» [3; 13 б.]. Бундан ташқари Имом Таҳовий (ваф. 321/933 й.) ва бошқа олимларнинг ақида китобларида саҳобийлар макталган [2; 20 б.].

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан энг кўп ривоят келтирган етти саҳобий (араб. «аксар ас-саҳобий ҳадисан») куйидагилардир [15; 354 б.]: Абу Ҳурайра (5374 та ҳадис ривоят қилган), Абдуллоҳ ибн Умар (2630), Анас ибн Молик (2286), Ҳазрат Оиша (2210), Абдуллоҳ ибн Аббос (1660), Жобир ибн Абдуллоҳ (1540), Абу Саид Худрий (1170).

Саҳобийлар ривоят қилган ҳадисларининг сонига қараб, «асҳоб ал-улуф» («минглаб ҳадис эгалари»), «асҳоб ал-алфайн» («икки минг ҳадис эгалари»), «асҳоб ал-алф» (минг ҳадис эгалари) ва бошқа атамалар ишлатилган.

Расулуллоҳдан мингдан ортиқ ҳадис ривоят қилган саҳобийга «муksiрун» («кўп ривоят қилганлар») ёки «иксар ал-ҳадис» («ҳадиснинг кўпайиши») атамалари ишлатилади. Мингтадан кам ҳадис ривояти бўлса, «иклол» («иклол ал-ҳадис», яъни ҳадиснинг камайиши) бўлади.

Саҳобийлар орасида бошқаларга қараганда Куръон ва ҳадис илмларини яхшироқ билиб, қўплаб фатво берган фақиҳлари ҳам бўлган [6; 9 б.]. Уларнинг баъзилари ҳадисни ҳам, фатвони ҳам кўп айтганлар. Масалан, Абдуллоҳ ибн Аббос, бу борада Аҳмад ибн Ҳанбал: «Пайғамбар (с.а.в.)нинг

саҳобийлари орасида Абдуллоҳ ибн Аббосчалик кўп фатво берган бирор киши йўқ», деган. Бундан ташқари: Умар ибн Хаттоб, Али ибн Аби Толиб, Абдуллоҳ ибн Умар, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Оишага нисбатан «аксар ас-саҳобий фатван» («энг кўп фатво берган саҳобий») атамаси ишлатилган. Олимлар ҳар бир саҳобийнинг фатволарини алоҳида ва жамлаб катта китоб ёзиш мумкин, деганлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳаётлигида фатво берган саҳобийлар Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Абдурахмон ибн Авф, Зайд ибн Собит, Муоз ибн Жабал ва Убай ибн Каъблар эканини зикр қилиш мумкин [16; 110 б.].

Саҳобийларни асосан икки гуруҳга ажратиш мумкин: муҳожирлар ва ансорлар [9; 306 б.]. «Муҳожир» (хижрат қилган) – Макка фатҳидан олдин Мадинага кўчиб борган (хижрат қилган) маккалик саҳобийларга берилган ном. Макка фатҳидан кейин Мадинага борганлар муҳожир ҳисобланмайдди. Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.) (ваф. 32/352 й.) энг охириги муҳожир ҳисобланади. Муҳожирлар ансорлар билан ҳамкорликда илк мусулмонлар жамоасини ташкил этган. Тўрт ишончли халифа айнан муҳожирлардан бўлган.

Кейинги жамоа «ансор»лар (ёрдамчилар, сафдошлар) деб номланиб, мадиналик саҳобийлар назарда тутилган. Улар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва бошқа муҳожирларга ёрдам берган мадиналик Авс ва Ҳазраж қабилаларига мансуб саҳобийлардир. Саҳл ибн Саъд Ансорий (р.а.) (ваф. 707 й.) энг охириги вафот этган мадиналик ансор ҳисобланади.

Олимлар исломга кириш кетма-кетлиги ёки яшаган жойларига қараб саҳобийларни гуруҳларга бўлганлар. Жумладан, тарихчи Ибн Саъд ўзининг «Табақот ал-кубро» асарида саҳобийларни беш қисмга ажратади [10; 520 б.].

1. Бадрда иштирок этган муҳожирлар.

2. Бадрда иштирок этган ансорлар.

3. Бадрда иштирок этмаган, лекин имон келтирганлар.

4. Макка фатҳидан олдин имон келтирганлар.

5. Фатҳдан сўнг имон келтирганлар.

Мазкур таснифда макон ва замон унсурлари эътиборга олинган. Саҳобийларни бундай услубда гуруҳларга ажратиш уларнинг мавқеларига путур етказмайди, балки тарихий маълумотларни аниқлаштириш ва фикҳий масалаларда ҳулоса чиқариш учун асқотади.

Саҳобийлар ўзаро ёш жиҳатидан фарқ қилса-да, бир табақада ҳисобланади. Масалан, Анас ибн Молик (р.а.) ёш саҳобий бўлса-да, ёши улуг саҳобий Абу Бакр (р.а.) билан бир табақада деб юритилади.

Ҳоким Найсобурий «Маърифат улум ал-ҳадис» асарида саҳобийларни қуйидаги ўн икки қисмга ажратган [13; 22-24 б.]:

1. Маккада биринчи бўлиб имон келтирганлар. Масалан, ҳулафои рошидун;

2. “Дор ан-Надва” соҳиблари. Яъни Умар (р.а.) исломга киргандан сўнг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) у кишини “Дор ан-надва”га олиб борадилар ва ўша ерда маккаликлардан бир неча киши мусулмон бўлган;

3. Ҳабашистонга хижрат қилганлар;

4. Биринчи Ақаба байъати иштирокчилари;

5. Иккинчи Ақаба байъати иштирокчилари;

6. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Мадинага киришдан олдин Қубо деган жойда бўлиб турганларида етиб келган муҳожирлар;

7. Бадр жанги қатнашчилари (313 эркак ва 2 аёл киши);

8. Бадр жанги ўтгандан то Ҳудайбия сулҳига қадар хижрат қилганлар;

9. Ризвон байъатида иштирок этганлар;

10. Ҳудайбия сулҳи билан Макка фатҳи ўртасида хижрат қилганлар (Холид ибн Валид, Амр ибн Осс, Абу Хурайра ва бошқалар);

11. Макка фатҳи куни ва ундан сўнг исломга кирганлар (Абу Суфён каби).

12. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ни Макка фатҳи куни ва видолашув ҳажиди кўрган ёш болалар (Абу Туфайл Омир ибн Восила, Абу Жухайфа Ваҳб ибн Абдуллоҳ). Бунда боланинг жуда ёш бўлмаслиги шарт қилинади. Чунки бирор бола туғилса, албатта Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига танглайини кўтариш учун олиб келинар эди. Масалан, Абдуллоҳ ибн Абу Талҳа, Абдурахмон ибн Усмон Таймий ва бошқалар Расулуллоҳ (с.а.в.) ни гўдаклик вақтида кўрган холос.

Саҳобийлардан энг биринчи исломга кирган хур эркак Абу Бакр Сиддиқ, болалардан Али ибн Абу Толиб, аёллардан Ҳадича бинт Хувайлид, куллардан Билол ибн Абу Рабоҳ ҳамда озод қилинган куллардан Зайд ибн Ҳориса (розияллоҳу анҳум) ҳисобланадилар [14; 69-79 б.]. Демак, саҳобийлар жамиятнинг турли қатламларидан ташкил топган турли тоифадаги кишилар бўлганлар.

Саҳобийлар турли шаҳарларда истиқомат қилгани боис, тарих китобларида уларнинг сони ҳақида аниқ маълумот учрамайди. Баъзи тадқиқотчилар ўз ҳисоб-китоблари асосида турли сонларни айтганлар. Жумладан, Абу Зуръа Розий саҳобийлар сони бир юз ўн тўрт минг (114000) нафар бўлганлигини айтиб ўтган. Бироқ барча саҳобийлар ҳақида тўлиқ маълумот олишнинг иложи йўқ. Улар ҳақида маълумот берувчи асарларда ўн мингдан ортиқ кишининг номлари келтирилади.

Баъзи саҳобийлар умуман ҳадис ривоят қилмаганлар. Чунки, видолашув ҳажи ва Табук вақтида кўплаб кишилар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни кўрган ва саҳобийлик шарафига мурассар бўлган. Аммо улар у кишини бир маротаба кўрган ва кўплари саҳролик аъробий бўлганлари учун юртларига қайтиб, ўз ишлари билан машғул бўлганлар. Ҳадис ривоят қилиш билан шуғулланмаганлар [15; 354 б.]. Саҳобалар ҳадисларни ўрганишга, уларнинг асл моҳиятини чуқур англаб етишга жудаям ҳарис бўлишган, улар ўзлари эшитган ривоятларни ўша давр одатига биноан ёд олиб, сўнгра ўзгаларга нақл қилишган ва шу тариқа ислом таълимотининг ҳадислар шаклида турли минтақаларга ёйилишига сабаб бўлишган [18; 28 б.].

Ибн Жавзийнинг фикрига кўра, ҳадис ривоят қилган саҳобийларнинг сони 1858 та бўлган, улардан 216 нафари аёллардир [8; 232-270 б.].

Саҳобийлар орасида аёллар ўзига хос ўринга эга бўлганлар. Уларнинг орасида Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёллари пешқадам бўлганлар [8; 232-270 б.]. Жумладан, Оиша (ра) юқорида айтилганидек, 2210 та ҳадис ривоят қилганлар. Бу эса аксар саҳобийларнинг ривоятидан кўпдир. Шунингдек, Умму Салама (378 та), Маймуна бинт Ҳорис (76 та), Ҳабиба бинт Абу Суфён (65 та), Ҳафса бинт Умар (60 та), Зайнаб бинт Жаҳш (11 та), Сафийя бинт Ҳай ибн Ахтаб (10 та), Жувайрия бинт Ҳорис (7 та), Савда бинт Замаълар (5 та) ҳадис ривоят қилганлар.

Бошқа саҳобий аёллар ҳам кўплаб ҳадисларни ривоят қилганлар, бу борада манбаларда маълумотлар келтирилади. Шу билан бирга олимлар олти ишончли тўпلامда ҳадис ривоятлари киритилган саҳобий аёлларнинг ададини ҳам ҳисоблаб чиққанлар. Ҳатто Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳадича бинт Хувайлид, Фотима бинт Асад, Умму Ҳаром бинт Милҳон, Насиба бинт Каъб Умму Аммора, Умму Румон бинт Омир, Барака бинт Саълаба Умму Айман, Робиа бинт Муаввиз Ансория, Сумайя бинт Хаббот ва бошқа аёлларнинг тириклигидаёқ жаннатийлигини башорат берганлар [5; 356 б.].

Саҳобия аёллар ҳам эркак саҳобийлар каби Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бевосита савол сўраш ҳуқуқига эга бўлганлар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) вафотларидан сўнг аёллар ҳам турли шаҳарларга бориб ҳадис ривоят қилганлари маълум. Масалан, Умму Атиъа (р.а.) Басрада ҳадис ривояти ва фикҳ илмида шуҳрат қозонган, Асмо бинт Язид Шомда ҳадис ривоят қилган. Шунингдек, ҳаж мавсумида кўплаб саҳобия аёллар ҳадис ривоят қилиш билан машғул бўлганлар [8; 232-270 б.].

Аксар олимларнинг фикрига кўра 110/728 йил Абу Туфайл Омир ибн Восила Лайсий Киноний

(р.а.)нинг вафот этиши билан саҳобийларнинг даври ниҳоясига етган. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда, Абу Туфайл: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрдим ва ер юзида мендан бошқа у кишини кўрган қолмади», деган. Шунингдек, Ваҳб ибн Жарир ибн Ҳозим отасидан: «110 йили Маккада эдим, бир жанозани кўрдим ва унинг кимлигини сўрадим. Менга: Бу Абу Туфайл, деб айтишди», деганини келтиради [4; 85-86 б.].

Бошқа манбаларга кўра эса, Маҳмуд ибн Робиъ (р.а.) 99/717 йили Мадинада, Анас ибн Молик (р.а.) 93/711 йили Басрада, Абдуллоҳ ибн Буср (р.а.) 96/715 йили Шомда, Абдуллоҳ ибн Ҳорис (р.а.) 86/705 йили Мисрда, Абдуллоҳ ибн Абу Авфо (р.а.) 86/705 йили Куфада, Ирс ибн Умайра Киндий (р.а.) Жазирада, Абу Убай Абдуллоҳ ибн Умму Ҳаром (р.а.) Фаластинда, Ҳирмос ибн Зиёд Боҳилий (р.а.) 102/720 йили Ямомада, Абу Барза Асламий (р.а.) 64/683 йили Хуросонда, Қусам ибн Аббос (р.а.) Самарқандда вафот этган охири саҳобийлардир [14; 79-93 б.].

Муҳаддислар саҳобийларни ҳадис илмидаги ўрнини кўрсатиш борасида кўплаб китоблар ёзганлар. Масалан, муайян саҳобийга бағишланган муснадлар ёки арбаинларни ҳам келтириш мумкин [19; 37 б.].

Ислом тарихида саҳобийлар ҳақида маълумот берувчи кўплаб асарлар ёзилган. Улар турли услубда таълиф этилган бўлиб, баъзилари фақат саҳобийларга бағишланган, бошқаларида эса турли ровийлар орасида саҳобийлар ҳам келтирилган. Энг машҳур асарлардан Абу Умар ибн Абдулбарр Куртубийнинг (ваф. 463/1070 й.). «ал-Истийъоб фи маърифа ал-асҳоб», Ибн Асир Жазарий номи билан машҳур бўлган Муборак ибн Муҳаммад Абу Саодатнинг (ваф. 603/1232 й.) «Усд ал-ғоба фи маърифа ас-саҳоба», Ибн Ҳажар Аскалонийнинг (ваф. 852/1448 й.) «ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба» асарларини келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳадис илмида саҳобийлар Пайғамбар (с.а.в.)ни бевосита кўриб ҳадис эшитганлар, Қуръон ва ҳадис кўрсатмасига биноан пайғамбарлардан кейинги энг яхши инсонлар деб юритилади. Чунки улар Пайғамбар (с.а.в.)ни кўргани, у кишидан Қуръони карим ва ҳадисни ўргангани, ислом динининг кенг ёйилишига катта ҳисса қўшганликлари, бу борада барча тўсиқларга қарамай Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг айтганини қилганлари учун уларга шундай олий даража берилган. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бир даъватининг ўзида ёки бир неча уринишда исломга кирган саҳобийлар бор. Ислом таълимоти бўйича уларнинг тарихини ўрганиш кейинги мусулмонлар учун ўрнатилган ҳисобланади.

Саҳобийлар ҳадис илмида жарҳ қилинмайдиган ровийлар ҳисобланади. Улар томонидан айтилган, бажарилган ёки тақрир ҳисобланган ривоятлари ҳадис тўпламларига «мавқуф» тарзида киритилган. Ўз ўрнида фикҳда ҳужжат сифатида ишлатилади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

21. Abdulboqi ibn Qoni. Mo'jam as-sahoba. – Qohira: Maktaba al-g'urabo al-asariyya, 1998. – J. 1.
22. Abu Ja'far Tahoviy. Al-Aqida at-Tahoviya // nashrga tayyorlovchi va tarjimon A.Mansur. – T.: TIU nashriyot-matbaa birlashmasi, 2006.
23. Abu Hanifa. Al-Fiqh al-akbar // nashrga tayyorlovchi va tarjimon A.Mansur. – T.: TIU nashriyot-matbaa birlashmasi, 2006.
24. Asqaloniyy. Al-Isoba fi tamyiz as-sahoba // tahqiq Odil Ahmad va Ali Muhammad. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya. 1995. – J. 1.
25. Ahmad Xalil Juma. Niso mubashshiroh bil janna. – Damashq: Dor Ibn Kasir, 2001.
26. Jazariyy. Usd al-g'oba fi ma'rifat as-sahoba. Muqaddima // tahqiq Ali Muhammad va boshqalar. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 2008.
27. Ibn Saloh. Ulum al-hadis. – Dimashq: Dor al-fikr, 2004. – B. 293; Muhammad Ijoh al-Xatib. Usul al-hadis ulumuhu va mustalahuhu. – Bayrut: Dor al-fikr, 1981.
28. Ifof Abdulg'afur Hamid. Juhud al-mara' fi nashr al-hadis va ulumih // Majalla jomea Ummul quro li ulum ash-sharia va-l-lug'at al-arabiyya va adabiha. – J. 19. A. 42. 1428 y.
29. Muhammad Abu-l-Lays Xayrobodiy. Mu'jam mustalahot al-hadis va ulumihi va ashshur al-musannifin fih. – Urdun: Dor an-nafois, 2008.
30. Muhammad ibn Muhammad Abu Shahba. Al-Vasit fi ulum va mustalah al-hadis. Dor al-ma'rifa, nashr etilgan shahar va yil ko'rsatilmagan.
31. Muhammad Ijoh al-Xatib. Usul al-hadis ulumuhu va mustalahuhu. – Bayrut: Dor al-fikr, 1981.
32. Navaviyy. Arbain. – Qohira: Dor as-salom, 2007.
33. Naysaburiy Hokim. Ma'rifa ulum al-hadis. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 1977.
34. Saxoviy. Fath al-mug'is. – Riyoz: Maktaba dor al-minhoj, 2005. – J. 4.
35. Subhi Solih. Ulum al-hadis va mustalahuhu. – Bayrut: Dor al-ilm lil-malayin, 1991.
36. Suyutiyy Jaloliddin. Alfiya as-Suyutiyy fi ilm al-hadis. – Bayrut: Maktaba al-ilmiyya, nashr yili ko'rsatilmagan.
37. Xatib Bag'dodiy. Al-Kifaya fi ilm ar-rivaya. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 2006.
38. Tajiyev, Aziz (2018) "HADITH IN THE EARLY PERIOD OF ISLAM AND ITS IMPACT ON THE COMPANIONS' SPIRITUAL LIFE" The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1, Article 5. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2018/iss1/5>.
39. Murodov, Doniyor. "About the genre of Arbain" The Light of Islam: Vol. 2019: Iss.1, Article 4. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2019/iss1/4>.